

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ЕРПОЛАТ КЕНЕСБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ «ШАҲРИЁР» ДОСТОНИДАГИ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАР**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Алламбергенов Ерполат Кенесбаевич

Қорақалпоқ халқининг “Шахриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир
карашлар..... 3

Алламбергенов Ерполат Кенесбаевич

Идеи и мысли образовательного и воспитательного характера в
каракалпакском народном дастане “Шарьяр”..... 25

Allambergenov Erpolat Kenesbaevich

Views on the education of the people of Karakalpak in the epic “Shahriyor”... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ЕРПОЛАТ КЕНЕСБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ «ШАҲРИЁР» ДОСТОНИДАГИ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАР**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.Phd/Ped703 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndpi.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алеуов Усербай

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Юсупов Конисбай Абылович

педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» II кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» III кунини таркатилди.
(2022 йил «17» III даги 36 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда педагогика таълим-тарбия назарияси ва методикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий-методик қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, педагогика назарияси, педагогик таълимотлар тарихи ва уни амалий методик жиҳатдан такомиллаштириш, педагогиканинг таълим-тарбия тизимига инновацион технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия мазмунига ойдинлик киритиш ва ўлчовларини ишлаб чиқиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунёвий педагогика илмининг жадал ривожланиш ва ўзгаришлар йўлидан бораётгани глобаллашув жараёнида мамлакатимиз таълим тизимида анча ўзгаришлар юз беришига замин яратди. Бу эса педагогика таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш, давлат таълим-тарбия мазмуни янгилашининг оптимал йўналишларини белгилаш, миллий ва чет эл тажрибаларидан унумли фойдаланиш, педагогика назариясида таълим-тарбиянинг илмий-назарий, амалий, эстетик ва методик асосларини такомиллаштириш, ёшларнинг билим ва малакаларини чуқурлаштиришга йўналтирилган стратегияларни қўллаш заруриятини келтириб чиқарди.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да: “Ватанга содиқ, ҳаётий дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ғояларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш борасида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш”¹ каби масъулиятли вазифаларнинг белгиланиши мамлакатимизда ёш авлоднинг бадиий тафаккури ва бадиий асарни таҳлил қилиш компетентлигини ривожлантиришда катта ўрин тутди. Маънавий-маърифий таълим жараёнига ўқувчилар “Шаҳриёр” достонини ўрганиш орқали билим, кўникма ва қобилиятлари ҳамда одоб-ахлоқ фазилатларини шакллантириш жуда муҳим ва ўта масъулиятли вазифа. Зотан, бугунги педагогика тарихи фанида “Шаҳриёр” достонида таълим-тарбияга доир қарашларни махсус тадқиқ қилиш кераклиги, достондаги миллатларнинг бой урф-одат, анъаналари, миллий қадриятлари ва мерослари, шу жумладан, халқ оғзаки ижоди меросларидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг, халқ педагогикаси намуналарининг бажарадиган вазифаси алоҳида эканлиги аён бўлади. Педагогикада таълим-тарбиянинг халқаро анъаналар, миллий қадриятлар ва меросларга йўналтирилган ҳаётий педагогик-психологик асосларини аниқлаш фақатгина Ўзбекистон Республикаси педагогика фанидагина эмас, АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея сингари ривожланган мамлакатларнинг ҳам таълим-тарбия сиёсатининг бош мақсадларига айланмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида” ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5848-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда адабий таълим-тарбиянинг мазмунини янгиланган педагогик тамойиллар асосида такомиллаштириш, ёшларни ватанга содиқ, билимли, онгли, одоб-ахлоқли, маънавий етук, эркин фикрлай оладиган комил инсон сифатида миллий қадриятлар, шу жумладан, миллий менталитет психологиясини келтириб чиқарадиган урф-одат, анъаналари ва халқимизнинг бой оғзаки ижод намуналари асосида тарбиялашнинг аҳамияти катта. Шу боис, халқ педагогикаси ва этнопедагогика руҳида таълим-тарбия бериш масаласини тадқиқ қилиш сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси педагогика фанларининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бу борада П.С.Абдимуратов, У.Алеуов, Р.Ш.Алеуова, Ж.П.Асаматдинова, А.К.Ахметова, А.А.Бекимбетова, Р.Г.Бекимбетова, З.Қурбаниязова, О.Мусурмонова, М.Ж.Муталипова, Ж.Оринбаев, А.К.Пазылов, М.Е.Пазилова, У.М.Ражабов, М.С.Салаева, Т.Сапарбаев, У.К.Сейтжанова, Э.Тажимуратов, А.Тилегенов, Т.Т.Утебаев, М.С.Хажиева, Б.Х.Ходжаев,

К.А.Юсупов каби қатор олимлар ўз илмий тадқиқот ишларида миллий қадрият, миллий мерослар асосида ҳар хил педагогик аспектда (ақлий, одоб-ахлоқ, оила, меҳнат тарбияси ҳ.к.) таълим-тарбия бериш масалаларини амалга оширган.

Педагогикада таълим-тарбия тизимини янгилаш билан бирга педагогик қарашлар ва фикрларга эътибор қаратиш масалалари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари Г.А.Акимкулова, Ш.М.Х.Арсалиев, М.И.Баишева, С.К.Босхамджиева, Г.Н.Волков, А.Б.Джалилов, М.Ж.Зангиева, Л.Н.Ибраимова, С.Я.Карасова, А.Мамонов, А.П.Орлова, Т.Ормонов, А.А.Салютина, Р.К.Санабасова, М.И.Стельмахович, М.Г.Харитонов, Р.И.Хузин, К.Шаймерденова, И.А.Шоров ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини таъкидлаш мумкин.

В.Л.Вульфсон, М.А.Жўшон, К.Йилмаз, К.Райхл, Дж.С.Тримингэм каби хориж олимларининг илмий қарашлари ўрганилди. Шулардан бири немис олими К.Райхл қорақалпоқ халқ эпоси “Едиге” ва “Шаҳриёр” дostonларини тадқиқ қилар экан, бу дostonларни фалсафий, филологик, педагогик ва санъатшунослик фанлари аспектида ўрганган.

Дунёда педагогика фани бўйича маълумотлар тез янгиланаётган XXI асрда Қорақалпоғистон Республикасидаги академик лицей ва мактабларда билим олаётган ўқувчиларнинг “Шаҳриёр” дostonини ўрганиши орқали билим, кўникма, қобилиятлари ва маънавий, одоб-ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш муҳим вазифадир. Шу боис “Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбиявий қарашлар махсус тадқиқотни талаб этадиган педагогик долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти кафедраларининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг “Умумий педагогика ва психология” кафедрасига тегишли бандидаги “Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида замонавий таълим-тарбияни модернизациялаш” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (НукусДПИ Илмий Кенгаши мажлиси №8 баённомасидан кўчирма, 28 январь, 2015 йил).

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг педагогик имкониятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Шаҳриёр” дostonи асосида ўқувчи ёшларда маънавий фазилатларни шакллантиришнинг аксио педагогик жиҳатларини аниқлаш;

“Шаҳриёр” дostonини ўқитиш жараёнининг педагогик алгоритминини ишлаб чиқиш;

қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбияга доир қарашларни интегратив ёндашув асосида ўқитиш босқичларини такомиллаштириш;

“Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг дидактик имкониятларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашлар орқали ўқувчи ва талаба ёшларга таълим-тарбия бериш жараёни танланди.

Тадқиқотнинг предмети “Шаҳриёр” достонидаги таълимий-тарбиявий қарашлар мазмуни, модели ва технологиясидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида умумлаштириш, қиёслаш, таҳлил ва синтез, тест, кузатиш, суҳбат, математик-статистик таҳлил ва педагогик илмий тажриба-синов усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Шаҳриёр” достонидаги воқеликларни тизимли-структур таҳлил этиш орқали ўқувчи-ёшларда инсонийлик, адолатлилик, мурувват, саховат, виждонийлик, мардлик, топқирлик каби маънавий фазилатларни (компетенциялар) шакллантиришнинг аксио педагогик жиҳатлари миллий идентикликнинг етакчи индикатор эканлигига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

“Шаҳриёр” достонини ўқитиш жараёнининг педагогик алгоритми матн билан ишлашда ички мантиқийликнинг бирламчи даражага эга бўлишига эришиш, таълим олувчиларда аналитик тафаккурни шакллантиришнинг интенсификациясини таъминлаш, воқеликни ўрганишнинг шахсий аҳамиятини, ички англанишини, яхлит тизим сифатида лойиҳалаш мантиғини бевосита ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларни интегратив ёндашув асосида ўқитиш босқичлари миллий тарбия (ўқитиш, ишонтириш, инонтириш), инновацион (шахсга йўналтирилган, танқидий фикрлашни ривожлантириш) ва интерфаол (график органайзерлар) усулларни комплекс қўллаш бўйича дидактик таъминотни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

“Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг дидактик имкониятлари “уқиб олишга ўргатиш”, “амал қилишга одатлантириш” тамойилларининг замон ва макон трансформациясида адекватлик касб этувчи педагогик тизимнинг барқарорлик даражаси маънавий таъсирчанлигини модификациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбиявий қарашлардан таълим йўналишида фойдаланишнинг илмий-методик ва технологик таъминоти мажмуаси яратиб берилган;

узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ва юқори таълим босқичларидаги “Адабиёт”, “Қорақалпоқ адабиёти”, “Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди” фанларининг дostonларга ажратилган ўқув соатларида амалиётга татбиқ этилган;

тадқиқот хулосалари ва натижалари узлуксиз таълим тизимининг оила тарбияси, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ва олий

таълимдан кейинги таълим босқичларида ҳам илмий ва илмий-методик қўлланма сифатида кенг фойдаланилган;

узлуксиз таълим тизимининг ўқув-методик марказларига “Шаҳриёр” достонини миллий истиқлол ғоялари асосида замонавий ўқитиш масалалари бўйича методик кўрсатмалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбиявий қарашлар масаласи илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши, қорақалпоқ халқ достонидаги мазкур жиҳатлар асосида ўқувчи ва талаба ёшларга таълим-тарбия бериш мазмуни, унинг педагогик-психологик хусусиятлари, ўлчов ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, уларда халқ достонларига қизиқувчанлик компонентлари, достонларнинг дидактик имкониятларининг очиқ берилганлиги, инсоний фазилатларни ривожлантиришнинг назарий томонлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти “Шаҳриёр” достони асосида ўқувчи ва талаба ёшларга таълим-тарбия бериш модели, достон матнларини педагогик аспектда таҳлил қилиш, интерактив ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланиб, тадқиқот натижаларини таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим босқичларида ўқитиладиган “Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди” фани учун кенг фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

“Шаҳриёр” достонидаги воқеликларни тизимли-структур таҳлил этиш орқали ўқувчи-ёшларда инсонийлик, адолатлилик, мурувват, саховат, виждонийлик, мардлик, топқирлик каби маънавий фазилатларни (компетенциялар) шакллантиришнинг аксио педагогик жиҳатларини миллий идентикликнинг етакчи индикатор эканлигига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарор асосида ўзбек ва қорақалпоқ миллий бахшичилик ва достончилик санъати намуналарини эъозлаш ва ривожлантириш, кенг халқ оmmasига тарғиб қилиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 2-03/714-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ миллий

бахшичилик ва дostonчилик намуналарини ўрганишнинг педагогик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

“Шаҳриёр” дostonини ўқитиш жараёнининг педагогик алгоритмини, дostonдаги таълим-тарбияга доир қарашларни интегратив ёндашув асосида ўқитиш босқичларини миллий тарбия, инновацион ва интерфаол усулларни комплекс қўллаш бўйича дидактик таъминотни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ФА-Ф-1-005. “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2018-2020 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 октябрдаги 17.02/254-сон маълумотномаси). Натижада, “Шаҳриёр” дostonини ўқитиш жараёни мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг дидактик имкониятларини “уқиб олишга ўргатиш”, “амал қилишга одатлантириш” тамойилларининг замон ва макон трансформациясида адекватлик касб этувчи педагогик тизимнинг барқарорлик даражаси маънавий таъсирчанлигини модификациялаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ФЗ-2016-0908165532. “Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” (2017-2020 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 9 апрелдаги 63-сон маълумотномаси). Натижада, адабиёт дарсларида “Шаҳриёр” дostonини ўрганиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 3 республика илмий-назарий ва амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 мақола, шундан 10 мақола республика ва 4 мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, материаллари аниқланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари

баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ халқ достони “Шаҳриёр”ни педагогика фанлари аспектида тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “Шаҳриёр” достони яратилган давр ва мазкур даврдаги ижтимоий педагогик қарашлар нуқтаи назаридан ўрганиш, ушбу дoston туркий халқларнинг таълим-тарбияга оид анъаналарининг умуммиллий ва маданий ёдгорлиги эканлиги, ундаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг асосий йўналишлари сингари масалалар тадқиқ қилинди. Бу масалалар бўйича Ш.М-Х.Арсалиев, У.Алеуов, В.Я.Пропп, В.М.Жирмунский, Н.Давқараев, Қ.Максетов, Г.Р.Бекимбетова ва бошқа олимларнинг педагогика назарияси ва педагогик таълимотлар тарихи, фольклоршунослик, эстетика, адабиёт тарихи бўйича ёзилган тадқиқотларида фикрлар билдирилган.

Мустақиллик даврида содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий ва демократик ўзгаришлар педагогика фанининг янгиланишига бевосита таъсир қилмоқда. Қорақалпоқ халқининг “Шаҳриёр” достони Шарқ халқларининг, шу жумладан, туркий халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиётида кенг ўрин эгаллайдиган лиропоэтик асар сифатида ўқувчи ва талабаларга таълим-тарбия беришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир халқнинг таълимий-тарбиявий қарашларининг шаклланиши ва ривожланиши шу халқ кечирган ижтимоий турмуши, тарихий ва географик шароитига, динига, анъанаси ва урф-одатига боғлиқ ўзига хос фарқли хусусиятлари билан юзага келади, ишлаб чиқариш усули, турмуш тирикчилиги, рухий маданиятининг тараққий этиш даражаси, ақлнинг психологик мукаммаллашуви, одоб-ахлоқнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Натижада, маълум бир халқнинг таълим-тарбиявий қарашлари умуман, инсоният маданиятининг ажралмас бир қисмига айланиб боради. Шу жиҳатдан қараганда, ҳар бир халқ маълум даражада умуммиллий, умуммаданий, маърифий, таълимий ва тарбиявий қарашларнинг яратилишига, маънавий юксалишига катта ҳисса қўшади.

Қадимги туркий халқларнинг тарихий-маънавий мерослари, аниқроғи, уларнинг алоҳида миллат, халқ бўлиб шаклланиши, яъни I ва II Ренессанс даврларидаги маданий манбалари Ўрта Осиё халқларининг барчасига хос бўлган маданий-маърифий ижод намуналари эди. Шунинг учун қорақалпоқ халқининг ҳам таълимий-тарбиявий қарашларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган қадимий “Авесто” китоби билан Шарқ Уйғониш даврларидаги қадимги турк ёзма ёдгорликлари, сомонийлар ва қорахонийлар давридаги маданий, бадиий ва педагогик меросларни бошқа халқлар қатори қорақалпоқ халқи ҳам фахр билан ўз ўзининг миллий асарлари қаторида туришини қайд қила олади. Шу боис, “Шаҳриёр” достонидаги таълимий ва тарбиявий қарашлар ўз генетик илдизларини мана шу манбалардан олиши табиий. Чунки, “Шаҳриёр”

достонининг мазмуни ва шакли унинг пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичлари қадим даврларга бориб тақалишини, яъни I ва II Ренессанс даврлари арафасида йирик эпос бўлиб шаклланганлигини кўрсатиб туради. Ушбу хусусиятларни биз достон мазмунидаги туркий халқларнинг Турк хоқонлиги даврларидаги тотемлик, шомонлик тушунчалари билан исломни қабул қилган илк даврлардаги эътиқодлари ва таълим-тарбияга оид қарашларнинг гоҳида тенг қатор қўйилиб, гоҳида қориштириб, синтез шаклида ифода этилиш эпизодларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Масалан, достоннинг илк архаик вариантларидан бири Ўтениёз жиров вариантыда образлари гавдаланган қаҳрамонлар тилида “Хан қасында бөрилەر, бөримен деп жүргенлер” каби иборалар кўп ишлатилади. Ушбу иборанинг мазмун ва моҳиятига назар соладиган бўлсак, кўпчилик туркий халқлари ислом қабул қилинган даврлардан кейин ҳам ўзларининг қадим даврлардаги тотемлик, шомонлик тушунчаларидан воз кечиб кета олмаган. Чунки, биз Турк хоқонлиги даврларидаги фуқаролик ва таълим-тарбия тарихидан бўрининг туркий халқлар учун муқаддас бобокалон, аждод ҳисобланган тотем, культ бўлганлигини яхши биламиз.

Дарҳақиқат, юқорида мисол келтирилган иборалар худди қадимги турк хоқонлиги давридаги туркларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналарни эслатади. Қадимги туркларда она бўри ва йигитдан туғилган битта авлод туркий уруғларнинг йўлбошчисига айланади. “Шаҳриёр” достонидаги бу ибораларнинг мазмунидан туркларнинг Ашин, Ашида уруғининг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналарни англашимиз мумкин. Достон сюжет тизимидаги қаҳрамонларнинг (Шаҳриёр ва Анжимнинг) кийик эмиб катта бўлиши, уларга хайрихоҳ бўлган тоғлар, чўллар билан сувларнинг тилга кириши, сўзлашишлари каби архаик мотивлари ҳам ушбу асарнинг энг қадим даврларда, яъни илк Уйғониш даврларида пайдо бўлиб шаклланган адабий ва маданий, педагогик мерос эканлигидан дарак беради. Чунки, ушбу мотивлар мазмуни остида ҳам қадим давр туркий этносларининг хулқ-атвор психологияси, урф-одатлари, таълим-тарбияси, инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни, камолоти ҳақидаги архаик тушунчалар, қарашлар ифода этилган.

Шунингдек, “Шаҳриёр” достонидан Ислом маданияти ва диний таълим-тарбия тўғрисида ҳам кўпгина маълумотлар олиш мумкин. Масалан, ислом дини фарзлари бўлган Оллоҳга этиқод этиш, фаришта ва шайтоннинг борлигига ишониш, 5 вақт намоз, Каъбага сафар қилиш, шунга ўхшаш бошқа шариат қоидаларининг гувоҳи бўламиз. Достонда Гулшаранинг Оллоҳга бўлган эътиқоди қуйидагича таърифланади:

Ағзында барды алла.
Барды тилинде кәлийма,
Басында барды саржыға,
Көнлинде қәдир алла.

Достонда юқоридаги мисоллар билан оҳангдош “Шайтанның қайтқан ўақтында, Периште жүрген шақтында” деган қаторлар ҳам бор. “Ҳақ миясар көрсе, Бийби Патпа, Бийби Айша, Бийби Мэрьям қолласа” сатрларда эса ислом динининг муқаддас аёллари номлари келтирилади. Умуман айтганда, ислом дини ва маданияти ҳақида “Шаҳриёр” достонидан жуда кўп маълумотларни олишимиз мумкин.

Хуллас, “Шаҳриёр” – халқ тарихи ва педагогикасининг, этнопедагогиканинг, халқ донишмандлигининг дурдонаси, бошқача айтганда, илк Уйғониш даврларидаги қорақалпоқ халқининг фалсафий, педагогик, эстетик қарашларининг қомусий мажмуаси, яъни пайдо бўлиш, шаклланиш даврлари бўйича художўйликнинг, шомонликнинг чекиниб, исломга йўл бераётган ўтиш даврининг бебаҳо тарихий-фольклористик ва педагогик мероси.

Достоннинг илк Уйғониш даврларида пайдо бўлган ва шаклланган тарихий-фольклор, фалсафий-эстетик, педагогик муқаддас бебаҳо мерос эканлиги ҳақидаги ушбу фикрларимизни В.Я.Пропп, В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарипов, А.К.Боровков, Ш.Валиханов, Н.Давқараев, Қ.Айымбетов, И.Сағитов, М.К.Нурмухамедов, Қ.Мақсетов, Қ.Байниязов, А.Каримов, А.Тажимуратов, Ў.Алеёв, А.Пазылов каби олимларимизнинг илмий қарашлари билан ҳам исботлашимиз мумкин. Масалан, Н.Давқараев достонларнинг илк яратилиш даврини Нўғайли даври билан боғлайди ва XIV-XVI асрлар билан белгилайди. И.Сағитов “Қорақалпоқ эпосларининг энг кўп яратилган даври XIII-XIV асрлар”, дейди. Рус фольклоршуноси А.К.Боровков Қипчоқ эпосининг (бу гуруҳга қорақалпоқ эпоси ҳам киради) XIII-XV асрларда яратилганлигини айтади. Ш.Валиханов қозоқ эпосларининг яратилиш даври XIV-XVI асрлар деб ҳисоблайди ва уни Олтин Ўрда даври билан боғлайди. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зариповлар ўзбек эпосларининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритиб, X-XVI асрлардаги тарихий воқеаларга алоҳида эътибор беради ва “Тўрўғли” туркум достонлари XVII аср бошлари XIX асрнинг ўрталаригача мавжуд эпик аънаналар асосида тўлиқ шаклланди, дея таъкидлайдилар. Ш.К.Кенесбаева “Шаҳриёр” достонини мифологик-эртак тип сюжетли достонлар қаторига киритиб, унинг яратилиш даврлари бўйича Қ.Айымбетов айтган “Қорақалпоқларнинг энг қадим замонлардан буён келаётган мероси” деган фикрини тасдиқлайди. Мана шу олимларнинг фикрлари асосида достоннинг қадим ўрта асрларда (IX-XII асрларда) яратилганлиги тахмин қилинади. Мазкур фикрлар Қ.Байниязов ва Т.Байниязоваларнинг ишларида ҳам тасдиқланади.

Дарҳақиқат, юқорида такидлаганимиздек, достон сюжети ҳам унинг энг қадим даврларга тегишли эканлигини англатади. Эпос қахрамонлари ўз мақсадларига етиш йўлида фақатгина афсона, ривоят, ажойиб эртақларда учрайдиган, инсоннинг ақлига сиғмайдиган воқеаларни бошидан кечириши, қийинчиликларни англаши бугунги ёшлар учун тарбиявий хусусиятга эга. Достон ҳам бошидан охиригача мифологик-эртак элементлари билан суғорилган бўлиб, ёшлар тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Ушбу маънавий меросларни ўқиб ўрганиш орқали ўқувчи ёшлар маънавий оламини бойитиб,

қадим даврларда яшаган халқларнинг бошидан кечирган қийинчиликлари, яшаш тарзи билан ҳам танишиб боради. Демак, дostonда акс этган таълимий-тарбиявий қарашлар йиғиндиси ҳам мана шу даврлардан дарак беради. Мазкур манбалар ўз-ўзидан “Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбиявий қарашларнинг ғоявий-эстетик асосларини ўша даврларга оид педагогик мерослар, илмий ва адабий-бадий манбалардаги халқчил ва этнопедагогик қарашлардан топишни талаб этади.

Хуллас, дostonни мазкур даврлар педагогик мерослари контекстида таҳлил қилиш зарурати сезилади. Тадқиқотчи М.С.Салаеванинг ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштириш масаласи буйича ёзилган махсус тадқиқот ишининг “Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-эмпирик асослари” деб номланган биринчи бобида таълимий ва тарбиявий меросларни даврлаштиришнинг дастлабки босқичлари тавсифи қуйдагича кўрсатилади:

“Ўзбек халқининг педагогик мероси жуда қадимий бўлиб, у бевосита “Авесто” ва “Ўрхун-Энасой (Урхун-Енисей) ёзма ёдгорликлари”га бориб тақалади. “Авесто” каби “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари”да ҳам эзгу фазилатлар - жасурлик, ватанпарварлик, билимлилик, мардлик улуғланади. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида аждодларимизнинг таълим-тарбияга оид дастлабки қарашлари, нуқтаи назарлари, ёндашувлари ўз ифодасини топган. Бу ҳолат эса таълим-тарбияга оид илмий қарашлар бизнинг заминимизда жуда қадим замонлардаёқ вужудга келганлигидан далолат беради ҳамда унинг ривожланиши ўзига хос тизимни ташкил этганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам педагогика тарихини даврлаштиришда Ўрхун-Энасой ёзувларида ифодаланган педагогик ғояларни алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Қуръоннинг нозил бўлиши ва ёйилиши баробарида аждодларимиз педагогик тафаккурида янги эврилик даври бошланди.”

Олимнинг таъкидлашича, “Уйғониш даври давоми сифатида XII-XIV асрлар эътироф этилиб, бу даврда фаннинг кўплаб соҳалари билан бир қаторда педагогика ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилган. Бу давр педагогикасининг ўзига хос жиҳати маънавий-ахлоқий йўналишдаги қарашларнинг устувор ўрин эгаллаганлигидадир. XII-XIV ҳамда XIV-XVI асрларда узлуксиз ривожланган педагогик фикрлар ўзбек халқининг педагогик мероси нақадар бойлигини, ушбу даврда ўзининг юксак босқичига кўтарилганлигини ифодалайди.”

Дарҳақиқат, олим тўғри кўрсатиб ўтганидек, “қадимги Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон деб аталган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида педагогика инсон интеллектуал фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида энг қадимги даврларда “Авесто” ва “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари” заминида пайдо бўлганлиги “Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари” мазмунидан аён бўладики, ўша даврлардаёқ аждодларимиз ватанпарварлик тарбияси, ҳарбий таълим соҳасида кенг кўламли ишларни олиб борганликларини кўрсатиб беради.”

Хуллас, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди меросларидаги, хусусан, “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбия ҳақидаги этнопедагогик қарашларнинг пайдо бўлишида ва ривожланишида қадим даврлардан қолган ушбу манбалар, ёзма ёдгорликлар, шу билан бирга, шу даврлардаги туркий адабиёт вакиллари ижод намуналари катта аҳамиятга эга бўлган.

Халқ педагогикасининг миллий тарбияни ривожлантиришдаги аҳамияти катта. Мана шундай халқчил комил инсон ғояси руҳида тарбиялашда “Шаҳриёр” достонида иштирок этадиган бош қаҳрамонлар ва персонажлар инсонпарварлик хусусиятлари бўйича ижобий ва салбий қаҳрамонлар гуруҳига ажралади. Бир томонда ботир, ҳалол йигит Шаҳриёр, унинг ақлли синглиси Анжим, Шаҳриёр ва Анжимни ўз фарзандидек ардоқлаган, халқ тарбиячилари – Шашўар, ақлли вазир – Томанлар турса, иккинчи томонда айёр, мол-дунё учун ор-номусини, виждонини сотган мастон кампир, золим ва бешафқат Дарапша подшо, унинг бахил ва ёвуз тўққиз хотини туради.

“Шаҳриёр” достони ўқувчиларни одоб-икромлилик, ботирлик, дўстлик, садоқат ва ҳалоллик, яхшилик руҳида тарбиялашда энг муҳим восита бўлган бадиий эстетик қадрият ҳисобланади. Мана шу жиҳатдан, У.Алеуов, Т.Утебаев, А.Тажимуратов, А.Тилегенов, З.Қурбаниязова, А.Бекимбетова, Г.Бекимбетова, А.Ережеповларнинг тадқиқот ишларида қорақалпоқ халқ достонларидаги таълим-тарбиявий масалалар маълум даражада тадқиқ қилинган.

Биз “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларни ўрганганимизда, таниқли олимлар Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, М.Нурмухамедов, Қ.Мақсетов, А.Каримов, А.Тажимуратов, У.Алеуов, А.Пазилов ва бошқаларнинг филологик, педагогик аспектдаги фикрларига таяндик. Масалан, қорақалпоқ халқ этнопедагогикаси бўйича махсус монографик тадқиқот олиб борган олим А.Тажимуратов қорақалпоқ фольклори намуналарини этнопедагогик манбалар сифатида кенг таҳлил қилиб, улар орасида “Шаҳриёр” достонининг ҳам катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини келтириб ўтади. Таниқли педагог олим А.Пазилов эса “Шаҳриёр” достони сюжетида таълимга боғлиқ мотивлар, хусусан, компьютер технологияси элементлари бор эканлигини таъкидлаб, бундай мотивларнинг қадим давр цивилизациясига мансублиги ва унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр билдиришган. Қ.Мақсетов эса “Шаҳриёр” достони сюжетида меҳнат тарбиясининг алоҳида ўрин олганлигини кўрсатиб, достон қаҳрамони Шаҳриёрнинг боғ яратиш масалаларига алоҳида тўхталади.

Хуллас, “Шаҳриёр” достони алоҳида поэтик донишмандлик характерида эга бўлган, ёш авлодни ақл-заковатга, одоб-ахлоқли бўлишга тарбиялашда муҳим аҳамият касб этадиган бебаҳо педагогик мерос бўлиб ҳисобланади. Достонда халқнинг эркинликни, адолатни, юксак инсонийликни, бахтни орзу қилган хаёллари билан бирга дунёқарашидаги диний, шунингдек, бошқа қадим давр тушунчаларини ҳам учратиш мумкин. Асардаги Анжимнинг ақллилиги, зукколиги, топқирлиги, эпчиллиги, мардлиги ўқувчини ақлий ва эстетик тарбияга йўналтиради.

“Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга доир қарашларнинг асосий йўналишларини, Ўрта Осиё халқлари маданий меросларининг миллий хусусиятларини халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман ушбу бобда қорақалпоқ халқининг миллий менталитети, ижтимоий турмуши ва миллий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яхши ният, яхши сўз, яхши амал тамойили асосида “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбияга боғлиқ қарашлардан тарихий-миллий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизимида ўринли ва унумли фойдаланиш ўз самарасини бериши аниқланди.

Диссертациянинг “Шаҳриёр” достонидаги таълим-тарбиявий қарашлар ва дostonни ўқитиш технологиялари” деб номланган иккинчи бобда дostonда комил инсон ҳақидаги халқ идеалининг тасвирланиши, халқчил таълим-тарбияда анъанавийлик, узлуксизлик ва уйғунлик, ҳамфикрлилик, дostonда таълим ва тарбия масалаларининг бадий ва эмпирик илмий талқини, “Шаҳриёр” дostonини ўрганиш асосида инсонларда таълим-тарбиявий қарашларни шакллантиришнинг шакл, метод, воситалари, усуллари ва турлари тадқиқ қилинди.

Комил инсон эркин фикр юритувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи, комиллик – меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, эрк, меҳнатқашлик сингари фозил инсоний фазилатлар мажмуасини ўз онгида шакллантирган энг буюк камолот чўққисига қўтарилган шахс бўлиб ҳисобланади. Азал-азалдан халқимизнинг орзу-умидлари, маънавий оламининг узлуксиз бир қисми сифатида Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам яхши ният, яхши сўз, яхши амал тушунчалари комилликнинг асосий ўлчови сифатида тушунтирилади. Шунингдек, биз ишимизда “Шаҳриёр” дostonидаги комил инсон ғояси ва таълим-тарбияга доир қарашлар генезиси, илдизлари сифатида VI-VIII асрлардаги “Ўрхун-Энасой ёдгорликлари”даги тошбитикларда ёзиб қолдирилган дидактик қарашлар билан бир қаторда биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларидаги туркий халқларнинг адабий-бадий, таълим-тарбиявий мерослари ҳисобланган “Қорқит ата китоби”, “Ўғузнома” эпик асарлари ҳамда ёзма ёдгорликлар бўлган Маҳмуд Қашғарийнинг “Туркий тиллар сўзлиги”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Саодатга элтувчи билим”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳақиқатлар армуғони” асарлари билан, шунингдек Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур мирзо сингари донишмандларнинг ҳам адабий, илмий асарлардаги таълим-тарбияга оид қарашларини таҳлил қилдик. Натижада, “Шаҳриёр” дostonининг илк шакллари Турк хоқонлиги давридаги шомонизмнинг исломга ўрин берган даврларида пайдо бўлиб, сўнг IX-XVI асрларда йирик эпос сифатида шаклланган фольклор ва этнопедагогикага хос маданий мерос, деган хулосага келдик. Бу мерослар эса “Шаҳриёр” дostonидаги таълим-тарбиявий қарашларнинг илдизлари бўлиш билан бирга, комил инсонни тарбиялаш

хақидаги фикрларнинг педагогика тарихида тутган ўрнини аниқлашга ҳам маънавий-эстетик асослар яратиб берди.

Мана шундай маънавий сарчашмалардан эстетик илдиз олган халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган “Шаҳриёр” достони миллатимизнинг ўзлигини кўрсатадиган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий турмушимизнинг бир қисми, миллий меросимизнинг фахри сифатида ёшларни Ватанпарвар фарзанд, ўз юртини ҳимоя қиладиган мард инсонлар сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

“Шаҳриёр” достонида фарзандга чуқур меҳр-муҳаббат, инсонларга ҳурмат, адолат, яхшилик ғоялари акс этган. Унда яхшиликка тарбияланмаган золим кучлар оқ кўнгил, адолат тарафдорларига қарши чиқади, яхшилик, эзгуликнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади, уларни оғир азобга гирифтор этади. Достонда ёмонлик жарчилари бўлган салбий қаҳрамонлар ўз ноҳақлик, ёвузлик, иккиюзламачилик, шафқатсизликлари хусусиятлари билан ўқувчи ва талаба ёшлар онгида уларга нисбатан жирканч, нафрат туйғуларини уйғотади.

“Шаҳриёр” достонида таълим-тарбияга доир қарашлар асардаги образлар орқали очиб берилган. Асарда яхшилик ва ёмонлик кураши масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ундаги бош ғоя ёшларни ёмонликдан қочиб, яхшиликка интилишга чақиради. Булар Шаҳриёр, Анжим, Мастон кампир, Дарапша образлари орқали берилади. Жумладан, Мастоннинг одамларга қилган ёмонликлари, Дарапшанинг бахил ва ёвуз тўққиз аёлининг мастонга суяниб, шу орқали ёмонликларини амалга ошириши, бегуноҳ одамларни алдаши, бировга хиёнат қилиши, шундан роҳатланиши, мол-дунёга қизиқиб Шаҳриёр ва Анжимни сувга ташлаши, Шаҳриёрни алдаб узоқ сафарга юбориши, охирида ёмонлик қилганларнинг жазосини олиши каби воқеалар ёшларни турмуш тўғрисида чуқур мулоҳазага чорлайди ва ёмонликдан, ёвузликдан қочиш, ахлоқсиз кимсаларга нисбатан жирканч туйғуларини уйғотади.

Достоннинг бош қаҳрамони Шаҳриёрнинг туғилганидан бошлаб кўп қийинчиликлар кўриши ва бу қийинчиликларни енгиб, етти иқлимга подшоҳ бўлиб, мурод-мақсадига етиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу образ ёшларни бахтга эришиш йўлида қийинчиликдан қўрқмай меҳнат қилишга мотивация беради. Шаҳриёр мактабда ўқиб билим олади, ўн тўрт ёшида ботирлик шартларини бажаришга киришади. Унда қаҳрамонлик достонларидаги ботирларга тегишли барча хусусиятлар мавжуд. Шаҳриёр образида мужассамланган қаҳрамоннинг комил инсон эканлигини кўрсатадиган унинг ботирлиги, фаҳм-фаросати, меҳнатсеварлиги, хуллас, барча яхши фазилатлари ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шаҳриёр - одил ва меҳрибон, у яхшиликка яхшилик қилади, синглисини чўпонга беради. Отаси Дарапшанинг гуноҳини кечиради, онасини қутқаради, хоннинг бахил, ёвуз тўққиз хотинини одилона жазолайди. Мазкур хусусиятлар тарбиядаги адолат категориясини шакллантиришга ёрдам беради.

Достонда халққа садоқат, фидойилик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, инсонийлик, кадр-қиммат, сабр-тоқат ва бошқа фазилатлар ёрқин тасвирланганлиги намоён бўлади. Ўқувчилар достон мутолааси орқали

маънавий ҳаётимизнинг бир қисми, миллий меросимиз фахри билан танишадилар. Зеро, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ дostonлари ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда, ватанпарвар, ўз элини ҳимоя қиладиган мард инсонлар сифатида вояга етказишда муҳим вазифа бажаради.

